# ДИҚҚАТ!



## САМАРҚАНД КЎП ТАРМОҚЛИ ТОВАР БИРЖАСИ

САНОАТ МОЛЛАРИ, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, МАШИНА ВА АСБОБ УСКУНАЛАРИ, ХОМ-АШЁЛАР, ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ, ИНШООТЛАР, ҚУРИЛИШ ҚУДРАТЛАРИ, САНОАТ МУЛКИ, ЭҲМЛАШТИРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАРНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИНИ

сотиш ва харид қилишда манфаатдор бўлган давлат, жамоат, кооператив корхоналар ва ташкилотларни, шунингдек хусусий фирмаларни ҳамкорликка таклиф этади.

## ЮҚОРИ САВИЯДАГИ АХБОРОТ, МАСЛАҲАТ, ВОСИТАЧИЛИК ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ХИЗМАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАДИ.

Биржада сотиладиган брокерлик жойларининг
ДАСТЛАБКИ НАРХИ 250.000 СЎМ.

Самарқанд кўп тармоқли товар биржаси қошидаги ўқув маслаҳат марказида
ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ БИРЖА ХОДИМЛАРИ ТАЙЁРЛАНАДИ.

## БИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛСАНГИЗ ЮТҚАЗМАЙСИЗ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 703001 Самарқанд шаҳар, Охунбобоев кўчаси, 85«а» уй. Телефонлар: 33-04-12, 33-46-54, 33-47-54, 33-50-54.
Телекс 103178 «СТАЛ»
Факс: 366-2 330220.




# ДАРЁҚАЛБ ИНСОН ЭДИ

ЕТМИШИНЧИ ЙИЛЛАР публицистикасининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири, оташнафас журналист ва адиб Самад Қодиров дарёқалб инсонлардан эди. Унинг Улуғ Ватан уруши ҳамда қўриқ ерларни ўзлаштириш мавзуидаги ўнлаб китоблари, очерк ва қиссаларида ҳаёт гўзаллиги ва мураккаблиги билан ёрқин акс этарди. Ёзувчининг ҳақсўз қалами гоҳ маҳзун, гоҳ ёрқин манзаралар чизар ва бу манзараларда замондошлар сиймоси, уруш қаҳрамонларининг фидойи ҳаёти табиий гавдаланар эди.

Олтмишинчи ва етмишинчи йиллар ўзбек матбуотини Самад аканинг ижодисиз тасаввур этиш қийин. У ҳамиша ҳаётнинг қайноқ жабҳаларида бўларди. Гоҳ олис тоғлар бағридаги чўпон ҳаётининг машаққатларидан, гоҳ эса қишлоқ аҳли турмушининг кўзга кўринмас муаммоларидан огоҳ этарди. Адиб деҳқонларнинг, қишлоқ аҳлининг камтарона ҳаёт манзараларини жўшиб тасвирларди.

Самад Қодиров ижодининг айни барқ урган, оташин мақола ва очерклари катта илҳом билан ёзилган даври «Совет Ўзбекистони» ва «Қишлоқ ҳақиқати» газеталарида кечди. У Улуғ Ватан уруши иштирокчиси эди. Матбуот соҳасида ҳам худди жангчидек фидойилик билан тер тўкди. Унинг «Жигарбандлар», «Нон-насиба», «Минг ўлимни енгиб», «Изларингни излайман», «Етмиш олтининг бири», «Қуёш ўлкаси», «Одамдан яхши ном



қолади» сингари ўндан ортиқ китоблари ана шу йилларда ёзилди ва тезда ўз ўқувчиларини топди.

Биз бугун тўқсонинчи йилларнинг мезонлари билан ўлчаб «турғунлик йиллари адабиёти», «турғунлик йиллари матбуоти» деган жумлаларни бемалол айтиб юборишга одатланиб қолдик. Зотан, ўша ошкоралик қатағон қилинган йилларда ҳам имон ва эътиқодда устивор бўлган, халқимизни бугунги озодлик кунларига маънавий жиҳатдан тайёрлаб, одамларнинг фикр ва туйғуларида ҳурриятга ташналикни эҳтиётлаб тарбиялаган, уни ёвуз кўзлардан асраб-авайлаб келган истеъдодлар кўп бўлган. Авлонийу Беҳбудий, Чўлпону Фитратлар замонида ёқилган эрк чироғининг ҳазин ва маъюс нурларини 60—70 йилларнинг «қаҳратон»ларидан авайлаб олиб ўтганлар Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовлар, уларнинг шеърияти эмасмиди? Бизнинг интиқ руҳимизда эрк тушунчасини ардоқлаб келган, вояга етказган ўша турғунлик йилларининг эркин адабиёти ва илғор матбуоти эмасмиди? Ҳаддан зиёд мафкуралаштирилган, шўро замонининг маддоҳи бўлиш талаб қилинган ва шу йўлда байроқ кўтарганларгина рағбат топган ўша йилларда Самад Қодировдай журналистлар ўз сўзини топиб айтган, мағзи тўқ асарлари билан халқ қалбига йўл топа олган эдилар.

Мана, оддий бир мисол. Самад аканинг сўнгги китобларидан бири «Ефрейтор Ўзбековнинг кундалиги» деб номланган эди. Ҳатто етмишинчи йилларнинг энг охирида ҳам бизнинг ҳурматли noширларимиз қиссани асл номи билан чоп этишга журъат қилолмадилар. У оддийгина «Ефрейторнинг кундалиги» бўлиб чиқди... Асар қаҳрамони Бахтиёр Ўзбеков қонли жанг йўлларини кечиб, Берлингача борган, мислсиз жасоратлар кўрсатиб қаҳрамон бўлган мард ўзбек йигитларининг тимсоли эди. Асарда уруш йиллари ҳақиқати Ўзбеков сингари содда ва жасур, ёвга бўш келмайдиган, айни пайтда, қалби севгилисининг тиниқ муҳаббатию юрт соғинчидан мунаввар бўлган йигитларнинг нафрат ва муҳаббати орқали очиб берилган эди.

Самад Қодиров журналистик маҳорати ва тажрибасининг ўзи ҳам ибратга лойиқдир. Кўплаб ёш қаламкашлар уни устоз деб билардилар, адиб ҳамиша уларнинг даврасида жавлон уриб юрарди. Нимани ва қандай ёзиш, нимани эса ёзмасликдан тийилишни эринмай ўргатарди. Кези келганда ёш мухбирларни ижодий сафарларга бирга олиб бориб, ҳаётни қандай ўрганиш, журналистни менсимайдиган амалдор тўраларнинг тегирмонидан омон чиқиш йўлларини кўрсатар, муомала маданиятини эринмай сингдирар эди. Афсуски, қалами эрк ва ҳурриятга ташна ўтган Самад ака ўзи интиқ бўлиб кутган кунларга етиб келолмади. У айни куч-ғайратга тўлиб-тошган, ижоди барқ урган навқирон ёшида ҳаётдан кўз юмди...

Яқинда жангчи адиб туғилиб ўсган Тўқманғит қишлоғи аҳли унинг муборак номини абадийлаштириш учун йиғилдилар. Қишлоқ марказидаги ўрта мактабда Ўзбекистон Журналистлар ва Ёзувчилар уюшмаларининг аъзоси, қатор жанговар ва меҳнат тақдирномаларининг соҳиби Самад Қодировнинг музейи очилди.

ЁДНОМА

Шу куни мактаб ҳовлиси Самад Қодировнинг ёру биродарлари, қуролдошлари, ижодкор дўстлари, шогирдлари билан тўлиб-тошди. Вилоят Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши фаоллари, адиб номини абадийлаштириш юзасидан «Ўзбекистон овози» рўзномасининг таклифини маъқуллаган Қарши тумани раҳбарлари ташриф буюрдилар. Туман ҳокими Р. Жалилов шу чоққача «Комсомол» номи билан аталиб келган қишлоқ мактабига жангчи-ижодкор Самад Қодиров номи берилганлиги ҳақидаги қарорни ўқиб берди. Маросимда сўзга чиққан ижодкорлар, вилоят ва туман раҳбарлари, уруш ва меҳнат фахрийлари ижодкорнинг ҳаёт йўли, қаҳрамонлари ҳақида сўз юритдилар. Шу чоққача сиёсатбозлик, мадҳиябозлик даври муҳрини ўзида сақлаб келаётган кўплаб ўқув юртлари, хўжаликлар, манзилгоҳларни фидойи фарзандлар номи билан аташнинг аҳамияти ҳақида сўзладилар.

Жангчи ижодкор Самад Қодиров номидаги мактаб ўқувчилари эса ўз қишлоқдошларига муносиб бўлишга сўз бердилар.

М. АБДУЛЛАЕВ

# ЖИДДАЛИК ҲАМКАСБИМИЗ

**Шу кунларда республикамизга дунёнинг турли нуқталаридан меҳмонлар, ишбилармонлар, элчилар, ёзувчи, олим ва журналистлар ташриф буюрмоқдалар. Улар мустақиллик йўлини танлаган Ўзбекистоннинг аҳволи билан танишмоқдалар, юртимиз билан турли соҳаларда ўзаро алоқалар ўрнатиш фикрини билдирмоқдалар. Яқинда ана шундай ниятда Тошкентга келган журналист, таржимон, Саудия Арабистони Жидда радиосининг туркча эшиттиришлар бўлимининг бошлиғи Камол Аҳмад Хўжа редакциямиз меҳмони бўлди. Камол Аҳмад Хўжа, ҳафталик бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, Тошкент Давлат дорилфунуни профессори Бегали Қосимов ўртасида бўлган суҳбатда ҳафталик фаолияти, ўзаро алоқалар, маданий ҳамкорликлар, Ўзбекистон келажаги хусусида сўз борди.**

**Мухбиримиз суҳбатдан кейин Камол Аҳмад Хўжага айрим саволлар билан мурожаат қилди.**

**— Муҳтарам афандим, ўзингизни муштарийларимизга яқиндан таништирсангиз!**

— Мен асли туркман. Отонам Туркия фуқаролари бўлган. Ўзим эса Сурияда туғилганман. Шу ерда тарбияланиб, шу ерда ўқиганман. Шом дорулфунунининг илоҳият факультетини тамомлаганман. Кейин Туркия — Сурия адабий алоқалари жамиятида ишладим. 1977 йилдан бошлаб эса Туркия — Жидда радиосида ишлаб келмоқдаман. Айни пайтда, Жидда радиосининг туркча эшиттиришлар бўлимини ҳам бошқараман.

Журналистик фаолиятимни эрта бошлаганман. Туркияда чиқадиган «Иттиҳод», «Осиё», Ҳилол» газеталарида ишлаганман ва кўплаб мақолаларим нашр этилган. Ҳозирги кунда Жиддада чиқадиган сизларнинг ватандошингиз бош муҳаррирлик қиладиган «Ал-муслим» газетаси билан ҳамкорлик қилаяпман.

Турк ва араб тилларини мукаммал биламан. Таржимонлик фаолиятим ҳам шу икки тил билан боғлиқ. Баъзан арабчадан туркчага, баъзан эса туркчадан араб тилига ўгираман. Масалан, асли келиб чиқиши татар бўлган сайёҳ Абдурашид Ибройимнинг сайёҳат номалардан иборат



бўлган китобини, Султон Абдулҳамид 11 нинг хотиралар тўпламини, яна бир араб энциклопедиясини турк тилига ўгирганман. Турк — Япон адабий алоқаларига оид асарни эса араб тилига таржима қилганман.

**— Жидда радиосида турк тилларидан қайсиларида эшиттиришлар берилади. Ўзбек тилида ҳам эшиттириш борми!**

— Жидда радиосининг турк тилларидаги эшиттиришлар соати йил сайин кўпайиб бормоқда. Бунда, хусусан, турк лилида, татар тилида, уйғур тилидаги эшиттиришлар бор. Ўзбек тилида йўқ. Лекин келгуси ниятимиз, агар мамлакатимиз ўртасида алоқалар кучайса Туркистон республикалари, Озарбойжон тилларида эшиттиришлар тайёрламоқчимиз.

**— Мамлакатлар ўртасида ҳамкорликлар кучайишига ишонасизми!**

— Албатта. Лекин бунинг учун ҳукуматларимиз раҳбарлари кўп ишлар қилишлари керак. Ҳозирги аҳвол эса талабга жавоб бермайди. Масалан, мен собиқ Совет мамлакатининг Истанбулдаги консулхонасида Ўзбекистонга келиш учун ярим ойдан ошиқ сарсон бўлдим. Ваҳоланки, мен бу вақт ичида юртингизга келиб, жуда кўп жойларни айланмоқчи, айниқса, Имом Термизий, Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳоваддин Нақшбандий, Нажмиддин Кубро, Замахшарий, Амир Темур, Улуғбек каби улуғ сиймолар зиёратгоҳларини кўрмоқчи эдим. Консулхонадагилар бизнинг қадим Туркистонга боришимизни истамаётган, атайлаб тўсқинликлар қилаётганга ўхшайди. Акс ҳолда кўплаб юртдошларимиз ҳурматсизлик, маданиятсизлик туфайли консулхоналар эшигидан қайтишмаган бўларди.

**— Ўзбекистонга биринчи келишингизми!**

— Ҳа. Лекин бу ер менга жудаям ёқди. Агар бизда техниканинг ғоят илгарилаб кетганини ҳисобга олмаганда бу ердаги ҳаёт бизларникига жуда ҳам ўхшар экан. Бозорлар тўкин-сочин, одамлари латиф, бағри кенг.

Бугунги Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида давом этмоқда. У истиқболи порлоқ юрт. «Ўйлайманки, у келгусида тараққиётнинг юксак чўққисига кўтарилади. Бу гал юртимизни яхши томоша қилолмадим. Лекин кўрганларим тўғрисида мақолалар ёзиш ниятим бор. Улардан баъзиларини истасангиз газетангизга ҳам юбораман. Асосий мақсадим эса Ўзбекистонга яна бир келиш, бу юрт билан доимий боғланишдир.

⊙

**Ўз навбатида биз ҳам Камол Аҳмад Хўжа афандига Жидда радиоси учун интервьюлар бердик. Унинг мақолаларини газетамизда ёритадиган бўлдик. Хуллас у билан келгуси алоқаларимиз давом этади.**

# «ОЛТИН ВОДИЙ»

**Ўрта Осиёдаги оммавий ахборот воситалари янги йил арафасида яна бир нашр ҳисобига бойиди: Фарғона водийсида яшовчи бадиий ижод кишиларининг ташаббуси билан «Олтин водий» деб номланган мустақил адабий-ижтимоий ҳафталик чиқа бошлади. Шунга кўра, мухбиримиз янги нашр бош муҳаррири, андижонлик болалар шоири Одил Абдураҳмон билан учрашиб, мулоқотда бўлди.**

**— Одил ака, аввало, шу саволга жавоб берсангиз: бир-бирига қўшни жумҳуриятларимизда кўплаб ўзбекча рўзнома-ойномалар чиқиб турган, қолаверса, матбуотнинг асосий хомашёси қоғоз кун сайин тақчиллашиб, нархи осмонга чиқиб кетаётган, босмахона, алоқа хизмати сарф-харажатлари кўпайиб бораётган бир пайтда водийда янги ҳафталик чиқаришга зарурат бормиди?**

— Ҳа, бор эди! Янаям аниқроғи, бир кунмас-бир кун, вақти келиб, барибир, шундай нашр ташкил этиш ҳаётий зарурат эди. Бу ҳақда анчадан буён турли давраларда гап-сўзлар бўлаётган, жўяли таклиф-мулоҳазалар билдирилаётганди. Боиси — Фарғона водийси ўзбек фан-маданияти, санъати ва тарихи гуллаб-яшнаган қадимий гўшалардан бири. Бу ерда халқимиз тарихий-маданий меросини ўлмас асарлари билан бойитган Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим, Фурқат, Муқимий каби юзлаб улуғ сиймолар яшаб ўтганлар водийдошларимиз орасида ҳозир ҳам ўз илми, ижоди, санъати, меҳнати билан донг таратган, эл меҳрини қозонган ажойиб истеъдодли кишилар кўпчиликни ташкил этишади.

Афсуски, шу пайтга қадар Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистонда чиқиб турган жумҳурият миқёсидаги матбуот нашрлари водийдаги тарихий-маданий, адабий-ижтимоий жараённи тўла қамраб ололмади. Фарғона, Андижон, Наманган, Ўш, Жалолобод, Хўжанд вилоятларида чоп этиб келинган катта-кичик рўзномалар фаолияти эса асосан мафкура ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқ-камчиликларни ёритишга йўналтирилган. Бу ҳоллар, шубҳасиз, қанча меҳнат, куч-ғайрат, маблағ сарф-




лашдан қатъий назар, водийдаги бир-бирига чамбарчас боғлиқ адабий-бадиий жараённи, ижтимоий ҳаёт тарихини муфассалроқ ёритадиган нашр ташкил қилишни тақозо этарди.

**— Албатта, бундай эзгу ишлар учун ҳеч нарсани аямаслик лозим. Бироқ замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дейдиган ҳозирги даврда мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш кўп жиҳатдан иқтисодга боғлиқ. Акс ҳолда, бирор иш қилиш, жумладан, рўзнома чиқариш ҳам ниҳоятда мушкул...**

— Гапингизни тушундим. Бунинг учун биринчи навбатда катта миқдорда маблағ ва қоғоз заҳираси керак. Лекин бизни иқтисодий қийинчиликлардан кўра маъмуриятчилик, ҳужжатбозлик кўпроқ чарчатди. Ҳафталикни ташкил этиш, уни рўйхатдан ўтказиш учун бир йилча елиб-югурдик. Бошқа ишларимиз эса, худога шукур, бирмунча енгил кўчди. Ҳарқалай, орамизда эзгулик йўлида бизга ҳайрихоҳ кишилар кўп экан. Бу жиҳатдан, айниқса, Советободдаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги аҳли катта ҳиммат кўрсатди. Хўжалик раиси Рустамжон Усмоновнинг ташаббуси билан улар бизни қоғоз ва маблағ билан таъминлашни ўз зиммаларига олдилар. Айни чоғда ҳафталигимиз шу хўжалик ва Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг тарғибот маркази муассислигида, Қўрғонтепа туманлараро босмахонасида офсет усулида чоп этилмоқда.

**— Ҳафталикнинг асосий йўналиши, бошқа нашрлардан фарқи қандай?**

— Биз ўзимиз учун «Халқ сўзи — сўзимиз, халқ дарди — дардимиз!» деган сўзларни шиор қилиб олганмиз. Бош мақсадимиз ҳозирги иқтисодий танглик шароитида элимизга руҳан мададкор бўлиш, уларнинг маънавияти янада юксалишига баҳоли қудрат ҳисса қўшишдан иборат. Чунки инсоннинг маънавияти қанчалик бойиса, руҳий олами шунчалик соф ва беғубор бўлади. Бунинг учун эса эл ўз адабий, тарихий, маданий, диний, иқтисодий меросидан хабардор бўлиши зарур. Биз шуларни назарда тутиб, биринчи навбатда, водийда яшаб ўтган буюк шахсларнинг, элимизни дунёга танитаётган кишиларнинг ҳаётини, бадиий меросини тарғиб қилиш, миллатидан қатъий назар, жойларда яшовчи иқтидорли қаламкашлар ва санъат соҳиблари ижодини ёритиб бориш ниятидамиз. Шунингдек, Ахси, Мингтепа, Далварзинтепа сингари қадимий жойлар тарихидан, узоқ йиллар «босмачилик» деб талқин қилиб келинган миллий озодлик кураши, бу ҳаракат қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий-илмий мақолаларни, баҳс-мунозараларни эълон қилиб борамиз. Хорижда яшаётган ватандошларимиз билан алоқаларни мустаҳкамлаб, уларнинг тақдири ва ҳаётига доир мақолалар тайёрлаймиз. Иккинчидан, халқ урф-одатлари, ҳунармандчилиги муаммоларига ҳам жиддий эътибор қаратамиз. Учинчидан, ҳозир орамиздан кўплаб кордонлар ва тадбиркорлар етишиб чиқмоқда. Улар халқимизни оғир иқтисодий вазиятдан олиб чиқишга ҳаракат қилмоқдалар. Биз уларнинг фаолияти билан халқимизни кенг таништириб борамиз.

**— Ҳафталикнинг дастлабки сонлари муштарийлар томонидан қандай кутиб олинди?**

— Менимча, ёмон эмас. Буни, гарчи ҳозирча муҳарририятимизнинг тайинли биноси бўлмаса-да, ҳафталигимиз тиражи бир ой ичида салкам икки баробарга кўпайганидан, рўзнома дўконларида қолиб кетмаётганидан ҳам билса бўлади. Биз шуни ҳисобга олиб, келгусида ҳафталигимизни саккиз саҳифа қилиб чиқариш, қўшни жумҳуриятларда яшовчи ўзбеклардан ҳам обуначилар тўплаш тараддудидамиз. «Олтин водий»ни мунтазам ўқиб боришни истовчилар унга водийнинг ҳамма алоқа бўлимларида, шаҳар ва қишлоқларидаги рўзнома дўконларида бемалол обуна бўлишлари мумкин.

**Ҳафталигимизнинг йиллик обуна баҳоси — 16 сўм, индексимиз — 64622.**

**Суҳбатдош:**
**А. ҲАЙДАРОВ**

# «ЁШ КУЧ» ОЙНОМАСИ МУШТАРИЙЛАРИГА!

Азиз дўстлар, «Ёш куч»нинг ярим миллиондан ортиқ меҳр-оқибатли муштарийлар! Биз, таҳририят ижодий ходимлари Сиз қадрли журналхонларимиз олдида нечоғли ҳижолатда эканлигимизни ва не сабабдан бундай ноқулай аҳволга тушиб қолганимиз боисини яхши биласиз деган умиддамиз.

Сиз ҳар куни, ҳар соатда уйингизга «Ёш куч» келишини кутаётган бўлсангиз, таҳририят ижодий ходимлари ўзларининг бевосита хизмат вазифаларини йиғиштириб қўйиб, арзонроқ қоғозни қаердан ундириш мумкин, босмахона харажатларини қандай қилиб камайтириш мумкин, алоқа хизматининг ҳақини арзонлаштирса бўлмасмикан, деган муаммоларга чора-тадбир излаш билан банд.

Ойнома чиқаришдек, уни кўпроқ нусхада нашр этиб, кўпроқ муштарийларга етказиб беришдек муҳим, ниҳоятда зарур маънавий-маърифий эркин бозор иқтисодиётининг чангалига тушиб қолди, айни чоғда иқтисодий парокандалик Сизу бизнинг етти йиллик оқибатли дўстлигимизга рахна солмоқчи. Бундай фожиа барча нашрлар бошига тушди, лекин унинг зарбаси «Ёш куч» учун оғир бўлди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, обуначиси кўп ойнома сифатида «Ёш куч»нинг сарф-харажати ҳамманикидан ўтиб тушди.

Аммо қандай бўлмасин, моддий қийинчилик чангали йўлимизни тўсишга уринмасин, қаловини топиш имконини изламоқдамиз. Шу уринишлар самараси ўлароқ; «Ёш куч»нинг бу йилги 1-2-қўшма сони Наврўз айёми арафасида қўлингизга бориб етади. Ана ўшанда ўзингиз учун ардоқли бўлган, кўзингиз кўниккан ойноманинг ҳажми, қоғоз сифати, безалиши нечоғли ўзгарганини кўрасиз. Начора, бунинг учун ҳеч кимни айблай олмаймиз. Ҳамонки, Ўзбекистон мустақиллик йўлига кирган экан, ҳамонки, ҳозирги ўтиш даври имкониятлари шуни тақозо этаётган экан, бундай йўқотишларга чидаймиз. Бошқача айтсак, ясанмайлигу, яланғоч қолмайлик, ойномани юпқароқ, кичикроқ, безаклардан холироқ чиқарайлигу, қиёматли дўст тутинган Сизу бизнинг муносабатларимиз узилмасин, шу синов йилидан эсономон ўтиб олайлик, келгуси йилдан умидимиз катта!

Хулласи калом сўнгсиз ҳисоб-китоблардан сўнг қуйидаги қарор маъқул кўрилди:

Сизнинг йиллик обуна тўловингиз ҳисобидан олти ойда учта қўшма сон чиқади, холос. Йилнинг иккинчи ярмида олтита алоҳида сон нашр этилади. Ҳар соннинг нархи 3 сўм белгиланди, шундай олти ойлик обуна баҳоси 18 сўм бўлади.

Ҳозирги шароитдан келиб чиқсак, ойнома йил мобайнида сотувга чиқарилмайди, башарти, имкони топилган тақдирда «Ёш куч»нинг бир сони 4—4,5 сўмдан савдога берилади.

Азиз муштарийлар, қора қозон ташвиш ҳар оилани муайян қийинчиликка солиб қўйган пайтда ойнома нархининг оширилишини табиий бир ҳол деб қабул қилишингизни истар эдик. Қимматчилик қанчалик оғир ботмасин, — бу — ниҳоятда табиий ва кутилган жараён. Одамнинг кимлиги, дунёқараши, маърифат-маданиятга ўчлиги жиддий синовдан ўтадиган пайтда яшаётган эканмиз, бунинг уқубатларини биргаликда енгайлик. Биз, таҳририят ходимлари ойномани янада қизиқарли, янада муҳим мақола ва ҳикояларга тўлдираверайлик, оғирингизни енгиллаштириш йўлида заҳмат чекаверайлик.

Шундай қилиб, **1992 йилнинг иккинчи ярми учун обуна баҳоси 18 сўм. Индекс 75242. Обуна 30 апрелга қадар давом этади.**

ОЙНОМА ТАҲРИРИЯТИ

# АТТОРХОНЛИК АНЖУМАНИ

Тошкент давлат Шарқшунослик олий билимгоҳи шарқ халқлари тили ва адабиёти факултетида буюк мутафаккир, тасаввуф илмининг билимдони Фаридиддин Аттор ижодига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман Аттор руҳига тиловат ўқиш билан бошланди. Конференцияни олий билимгоҳнинг шарқ тиллари ва адабиёти факултети декани А. Маннопов очиб, Жалолиддин Румийнинг улуғ устод ҳақидаги Аттор шарқ мумтоз адабиётининг руҳидир ва усиз бу катта адабиётни тасаввур қилиб бўлмайди, мазмунидаги мисраларини келтирди.

ЎзФА Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими Қ. Муниров Атторнинг адабий-илмий мероси ҳақида гапирди. Унинг таъкидлашича, ҳозирги кунда Атторнинг юздан ортиқ қўлёзмалари институт хазинасида сақланмоқда. Уларни кенг ўрганиш, тадқиқ этиш вақти етди.

Шарқшунослик олий билимгоҳининг доценти С. Йўлдошева «Аттор ижодининг Эронда ўрганилиши тарихи» мавзуида маъруза қилди. У Эрон олимларининг тадқиқотларига таяниб Атторнинг тўлиқ исмшарифи Фаридиддин Абу Ҳамид Муҳаммад бин Абу Бакр Иброҳим бин Исҳоқ Аттор Кадканий Нишопурий эканлигини айтди.

Олимлардан А. Ҳабибуллаев Атторнинг «Пандномa», М. Ҳасанов «Хусравнома» асарлари ҳақида, Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар илмгоҳининг ходими Ҳ. Исломов эса «Алишер Навоийнинг Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» асарига муносабати» мавзуида гапирдилар.

ТошДД профессори Нажмиддин Комиловнинг «Атторнинг тавҳид ғоялари» деб номланган маърузаси тингловчиларда турли ҳил фикр-мулоҳазалар уйғотди ва илмий баҳсларга сабаб бўлди.

Ҳиндшунос олим О. Шоматов Аттор ижодининг Ҳиндистонда ўрганилиши хусусида гапириб, унинг «Мантиқ ут-тайр» асарининг урду тилига таржимасини қиёсий таҳлил қилди. Эроншунос олим М. Имомназаров эса Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асаридан илҳомланиб туркий тилда яратилган асарлар ҳақида фикр юритди.

Анжуманда сўзга чиққанлар тасаввуф адабиётини, жумладан Атторнинг улкан поэтик ва илмий меросини холисона тадқиқ этиш зарурлигини айтиб ўтдилар. Шунингдек, бу мураккаб, аммо савобли ишга йирик адабиётшунос олимларни, файласуфларни жалб қилиш лозимлигини, тасаввуф адабиёти вакиллари ижодини чуқур тадқиқ этмасдан ва умумлаштирмасдан туриб ўрта аср мусулмон халқлари адабиёти тарихини, хусусан форс ва туркий адабиёт тарихини холисона баҳолаб бўлмаслигини алоҳида таъкидладилар.

Бу илмий анжуман атторхонликдан атторшуносликка ўтиш учун туртки бўлади деб умид қиламиз.

Жалил ҲАЗРАТҚУЛОВ

## БИЛДИРИШ

**Азиз биродарлар!**

**Шу йил 9 март, душанба куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар Билимлар уйида (Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй) Ўзбекистон республикаси Адиблар иттифоқи ҳамда Билим жамияти ҳамкорликда Сизни Америкода яшовчи ватандошимиз шоир Булоқбоши билан ижодий гурунгга таклиф этади.**

**Бу бизнинг ватандош биродаримиз билан илк дийдор кўришувимиз бўлади!**

**Ташрифингизни кутамиз, биродарлар.**

**ЎзРАИ КОТИБИЯТИ**

